



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 2 июнь, № 113 (7071)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАРЧА ИШЛАРИМИЗ ТУБ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида стратегик аҳамиятга эга йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш, Тошкентни замонавий мегаполисга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиз туманларида бу галги ташриф давомида ҳам асосий эътибор ана шу йўлдаги долзарб режа ва лойиҳалар ижросига қаратилди.

Президентимиз дастлаб «Тошкент-Шарқий» аэродроми базасида барпо этилаётган ишбилармонлик аэропорти қурилиш участкасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2 декабр куни мазкур лойиҳа билан танишиб, бизнес-авиацияни ташкил этиш ва бундай турдаги барча хизматларни кўрсатишга қодир замонавий инфратузилмани

барпо этиш борасида кўрсатмалар берган эди. Ишбилармонлик аэропорти Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги тизим бўлиб, яқка тартибдаги ва корпоратив парвозларга ихтисослашади. Лойиҳа мамлакатимиз транспорт ва транзит имкониятларини янада оширишда муҳим ўрин тутади. Айти пайтда олий даражадаги меҳмонлар, хорижий делегациялар, ишбилармонлар, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатади.

Хозирги вақтда эски учиб-қўниш йўлаги ўрнига 4 километрлик замонавий йўлак қурилмоқда. Соатида 250 йўловчини ўтказиш имкониятига эга терминал барпо этиш, кейинги босқичда қўшимча инфратузилма объектлари, меҳмонхона мажмуаси қуриш режалаштирилган.

Шу кунга қадар бу ерда қарийб 20 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Қурилиш-монтаж ишларига 100 дан ортиқ махсус техникалар жалб этилган.

Аэродром ҳудудига бир

вақтнинг ўзига 20 та самолётга хизмат кўрсатадиган перрон қурилади. Шунингдек, қўриқлаш, алоқа ва хавфсизлик пунктлари бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳаво лайнерларига техник хизмат кўрсатиш маркази, самолёт ва вертолётларни сақлаш учун замонавий ангар, ёнғин хавфсизлиги депоси қурилади. Шу билан бирга, диспетчерлик маркази ва йўловчилар учун овқатланиш биноси барпо этилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2020 йилда якунланиши белгиланган.

— Бизнес-аэропортда хорижий ишбилармонларга ҳар томонлама маъқул бўладиган хизматларни йўлга қўйиш учун лойиҳаси мукамал бўлиши керак. Самолётдан тушган одам халқимизнинг нечоғли бағрикенг ва меҳмондўст эканини ҳис этиши керак. Шу боис замонавий лойиҳа институти ташкил этиб, Япония, Германия каби мамлакатлардан малакали мутахассисларни ишга

жалб этиш лозим. Ана шундай қилсак, бу аэропорт халқимизга, фарзандларимизга кўп йиллар хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз пойтахтимизнинг Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесимасида барпо этилаётган уч қаватли замонавий кўприк лойиҳасини кўздан кечирди.

Энг гавжум чорраҳалардан бири бўлган мазкур ҳудудда уч қаватли янги кўприк қурилиши тирбандликни камайтириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

Кўприкнинг Паркент кўчасидан Оҳангарон шоссе-сига ўтувчи қисмида узунлиги 500 метрдан зиёд туннель қурилади. Иккинчи босқичда Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чиқувчи йўлнинг мазкур туннель устидан ўтган қисмида айланма кўприк бунёд этилади. Иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур

Малик кўчаларини туташтиради. Шунингдек, Тошкент механика заводида таъмир-

ланган самолётларни ишбилармонлик аэропортига олиб бориш учун йўл-ўтказгич барпо этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, шу чоққача юртимизда уч қават кўприк қурилмаган эди. Эндиликда Ўзбекистон эстакада бунёд этиш тажрибасини ҳам ўзлаштирмоқда. Қурилиш ишларини 2019 йил август ойда тўлиқ якунлаш режалаштирилмоқда.

— Бу кўприк келгусида Тошкент шаҳрининг ўзига хос ташриф қоғози бўлади, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон учун янгилик бўлган ушбу маҳобатли иншоот Чорвоқ ва Чимён ҳудудини ривожлантиришга замин яратади. Кўприк қурилиши жараёнида автомобиллар ҳаракати тўхталмайдми.

Янги транспорт боғламаси Тошкент шаҳридан Чорвоқ ҳудудига боровчи йўлни 22 километрга қисқартирмоқда. Айти пайтда пойтахт аҳолиси ва хорижлик сайёҳларнинг Чорвоқ ҳамда Чимён ҳудудига тез ва осон етиб олиши учун Чирчиқ дарёси устидан кўприк бунёд этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев янги кўприкни замонавий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

— Асосийси, ёз жазирасида бу ерда қурилиш ишлари транспорт қатновига ноқулайлик туғдирмаслиги зарур. Буни ҳозирдан ўйлаб пухта ечим топиш, қурилишни 3 сменада ташкил этиш лозим, — деди Президентимиз.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент ер усти халқа метро линиясини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор туманининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувидagi ҳудудда барпо этилаётган кўприк тармоқли «Хумо Арена» муз саройи қурилишини кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илғор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлашиб кетган. Мажмуа кўкда парвоз этаётган бахт

ва ҳурлик рамзи — Хумо қуши шаклида барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль куни «Хумо Арена» лойиҳаси билан танишиб, бу каби замонавий спорт иншоотларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган, мутасадди раҳбарларга қурилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва машқ муз ареналари жой олади. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқта-си 40 метрни ташкил этади.

Мобиль ўриндиклар билан жиҳозланган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бошқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатиш имконига эга бўлади. Дам олиш маскани ва ижтимоий марказ сифатида барпо этилаётган муз саройида турли тадбирларни ўтказиш мумкин бўлади. Хусусан, аренада халқаро хоккей ўйинлари, кёрлинг, фигуралӣ учиб, шорт-трек бўйича мусобақалар, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик баҳсларини ўтказиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш мумкин.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнғинни ўчириш, совитиш тизимлари, ёритиш, вентиляция, иссиқлик манбаи тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда, тежамкор технологиялар қўлланилади. Унинг ёнида 1 минг 375 автомобилга мўлжалланган 5 қаватли автотураргоҳ қурилмоқда.

Президентимиз ушбу мажмуада шуғулланган хоккей, фигуралӣ учиб ва бошқа спорт турлари бўйича жамоаларни ҳозирдан шакллантириш, бу ерда йирик халқаро мусобақаларни ташкиллаштириш масаласини ўрганиб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада баҳолаш фаолиятини тартибга солиш мустақкам ҳуқуқий база шакллантирилган, баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантириш, амалга ошириладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва ҳолисиги учун жавобгарликни ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинган.

Бугунги кунда баҳолаш хизматлари бозорига малака сертификатига эга мингга яқин баҳоловчилар меҳнат қилувчи икки юздан ортиқ баҳоловчи ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, бир қатор муаммо ва камчиликлар профессионал баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантиришга ҳамда баҳоловчи ташкилотларга бўлган ишончни оширишга тўсқинлик қилмоқда, жумладан:

биринчидан, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш функциясини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви органи зиммасига юклаш оқибатида баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги;

иккинчидан, баҳоловчи ташкилотлар капиталининг энг кам миқдорига бўлган юқори талабларнинг мавжудлиги профессионал мутахассисларнинг баҳолаш хизматлари бозорига киришини чекламоқда, бунинг оқибатида баҳолаш ишлари сифати уларга, айнққса, бизнесни баҳолаш ҳамда банк ва сугурта фаолиятида ортиб бораётган талабларга мос келмаслиги;

учинчидан, баҳоловчилар малакаси ва касбий маҳоратининг қоникарсиз даражадалиги, шунингдек, турли объектлар қийматини баҳолашнинг алоҳида шартларини ҳамда уларнинг ютуқларини рағбатлантиришни ҳисобга олмайдиган баҳоловчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарасизлиги;

тўртинчидан, баҳолашга ягона ёндашувни ва бозор конъюнктурасини ҳисобга олишни таъминламайдиган, тез ўзгариб бораётган бозорнинг замонавий шартларига жавоб бермайдиган, уларнинг халқаро стандартлар билан етарлича уйғунлашмаган мулкни баҳолаш миллий стандартларининг мавжудлиги;

бешинчидан, жамоат билрлашмаларининг баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботлар сифатини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда фаоллигининг етарли эмаслиги.

Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш, баҳоловчиларнинг профессионаллик даражаси ва кўрсатилётган хизматлар сифатини ошириш, мазкур соҳада баҳариладиган ишларнинг ҳолисиги ва сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади), Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) баҳолаш фаолиятини лицензиялаш ва баҳолаш ташкилотлари устав капитални (устав жамғармаси)нинг энг кам миқдорига бўлган талабни бекор қилиш;

б) баҳоловчи ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказида (кейинги ўринларда — Марказ) аккредитация қилиш тартиб-таомилларини жорий қилиш;

(Давоми 2-бетда).



ШХТ оммавий ахборот воситалари форуми

Маълумки, шу йилнинг 9-10 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли анжуман арафасида турли форумлар, учрашувлар ва тадбирлар ўтказилмоқда.

Пекиндан махсус мухбиримиз Қобил ХИДИРОВ хабар қилади.

Хусусан, 1 июнь куни Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар оммавий ахборот воситаларининг биринчи медиафоруми бўлиб ўтди. Анжуманда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон, шунингдек, кузатувчи макомдаги Афғонистон, Беларус, Мўғулистон, Эрон, мулоқот бўйича ҳамкор-давлатлар Арманистон, Камбоджа, Непал, Озарбайжон, Туркия, Шри-Ланка давлатларининг ахборот-коммуникация соҳасидаги ваколатли органлари ҳамда

етакчи ОАВ вакилларида иборат делегация аъзолари ва ШХТ котибиятининг масъул ходимлари иштирок этди. Форумда таъкидланганидек, ШХТ ўтган 17 йил давомида минтақавий ҳамда глобал миқёсда хавфсизлик, иқтисодиёт, маданий-гуманитар соҳаларда халқаро ҳамкорликни мустақкамлашда муҳим роль ўйнаб келяпти. Ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги мустақиллик, ҳудудий яхлитлик ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро англашув ҳамда фикрларни

инобатга олиш, ички ишларга аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва келишмовчилик-

БИЗ

ва

ЖАҲОН



ларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойиллари, яъни «Шанхай руҳи» асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустақкамлаш тарафдори бўлиб, бу борада аниқ савб-ҳаракаларни амалга оширмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Элис УЭЛЛС:

«Ўзбекистон раҳбари мамлакатни Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунё жамоатчилигига очиб берганини юқори баҳолаймиз»

АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Элис Уэллс Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи якунлари бўйича АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган телеконференцияда шулар ҳақида яна бир бор тўхталиб ўтди.

«Ўзбекистоннинг дунё арена-сига қайтишини аниқлатади.

«Ушбу сафар Ўзбекистоннинг нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Марказий Осиё, қолаверса, Афғонистон ҳамда бутун дунёдаги алоқаларни мустақкамлашдаги бекиёс салохиятини намойён этди, деб ўйлайман. Фикримча, Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар дастурини илгари суриш учун ташлаётган тарихий қадамлари мазкур ташрифининг позитив характери ми шакллантириб берди», деди АҚШ Давлат котиби ёрдам-чисининг биринчи ўринбосари.

(Давоми 3-бетда).



Халқаро анжуман

Миллий превентив механизм:

ХОРИЖ АМАЛИЁТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда «Миллий превентив механизми ташкилий-ҳуқуқий ривожлантириш: халқаро ҳужжатлар, хориж амалиёти ва Ўзбекистон тажрибасининг хусусиятлари» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, Конституциявий суд, Олий суд, Бош прокуратура, вазирликлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, БМТнинг Қийноққа қарши қўйи қўмитаси, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси, БМТ Тараққиёт дастури, «Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти», «Минтақавий мулоқот» (Словения) ҳамда «Халқаро Амнистия» каби халқаро нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) Давлат рақобат кўмитасининг: баҳоловчининг малака сертификатини бериш функциясини — Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига;

мулкни баҳолашнинг янги стандартларини тасдиқлаш, шунингдек, амалдаги мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб топиш функциясини — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига ўтказиш.

2. Давлат рақобат кўмитаси бир ҳафта муддатда илгари берилган баҳоловчи ташкилотларнинг лицензиялари ва баҳоловчиларнинг малака сертификатлари бўйича материалларни Марказга берсин.

3. 2018 йил 1 июлдан бошлаб Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича, имтиҳонлари муваффақиятли топширган тақдирда, белгиланган намунадаги сертификатлар берилган ҳолда, махсус курслар ташкил этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари Корпоратив баҳоловчиларнинг илгари берилган малака сертификатларинг профессионал бирлашмалари тақлифларини инобатга олган ҳолда тасдикланади;

баҳоловчи ташкилотларнинг илгари берилган лицензиялари амал қилиш муддати 2019 йил 1 январдан тугатлади;

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида ҳар йили малака ошириш курсларини ўтаган тақдирда баҳоловчиларнинг илгари берилган малака сертификатлари амал қилиш муддати тугагунига қадар уларни қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

5. Белгилансинки, баҳоловчи ташкилотнинг жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда суғурталовчининг суғурта қопламаси тўловини амалга ошириши юзасидан мажбурияти бўйича суғурта пули:

кўчар мулкни баҳолаш учун, қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлар бундан мустасно — энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан;

кўчмас мулкни баҳолаш учун, мулкий комплекс сифатидаги корхона бундан мустасно — энг кам иш ҳақининг 2 500 бараваридан;

бизнесни (мулкий комплекс сифатидаги корхонани, барча турдаги моддий ва номоддий активларни) баҳолаш учун — энг кам иш ҳақининг 3 000 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

6. Баҳоловчиларга тоифа беришнинг сертификатланган баҳоловчилар, иккинчи, биринчи ва

олий тоифали баҳоловчиларни ўз ичига олувчи тизими амалиётга жорий этилсин ҳамда баҳоловчиларга қуйидаги асосий талаблар ўрнатилсин:

иккинчи тоифага — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 15 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги;

биринчи тоифага — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 25 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги; олий тоифа — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек, турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 35 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

баҳоловчи ташкилот устав капитали (устав жамғармаси)нинг камида 51 фоизи мазкур баҳоловчи ташкилотнинг битта ёки бир нечта штатдаги баҳоловчисига тегишли бўлиши лозим;

2019 йил 1 январидан бошлаб баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари фақат биринчи ёки олий тоифадаги баҳоловчи бўлиши мумкин;

баҳоловчи, агар у бошқа баҳоловчи ташкилот штатида турган бўлса, баҳоловчи ташкилот томонидан фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида баҳолаш ишларини олиб боришга жалб қилина олмайди;

буюртмачи ёки бошқа шахсларнинг, агар бу баҳолаш натижасининг ишончлилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, баҳоловчининг фаолиятига аралашувига, жумладан, баҳолаш объектини баҳолашда аниқланиши ёки таърифланиши лозим бўлган масалалар доирасини чеклашга йўл қўйилмайди;

баҳоловчи объектив баҳолашни олиб боришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги оқибатида баҳолашни ўтказишда иштирок эта олмаслиги ҳақида буюртмачига ёки меҳнат шартномасини тузган баҳолаш ташкилотига маълумот бериши шарт;

баҳолаш объектини баҳолашни ўтказганлиги учун баҳоловчига тўланадиган ҳақ миқдори баҳолаш объекти қийматининг яқуний миқдorigа боғлиқ бўла олмайди; баҳолаш ҳақида ҳисоботнинг ҳаққонийлигини экспертиза қилиш учун фақат биринчи ёки олий тоифа баҳоловчилар жалб этилиши мумкин.

8. Аффилиланган шахс бўлган баҳоловчи ташкилот ёки баҳоловчи томонидан баҳолаш ҳақида ҳисоботлар ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш тақиқлансин, бундай шахслар деб қуйидагилар тан олинади:

йўлўтказгичлар қурилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари кўприкларни сақлаш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш масаласи ҳам ғоят долзарб эканини қайд этди. Соҳа учун махсус мутахассислар тайёрлашга иxtисос-лаштирилган коллежлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, одам-ларимиз учун замонавий шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилмоқда. Энди шаҳар-лар учун «Обод маҳалла» дастури ишлаб чиқилмоқда.

Чилонзор туманидаги Хирмонте-па маҳалласи тажриба тариқасида ушбу концепция асосида обод қилинмоқда. Худудда жойлашган 24 та кўп қаватли уй таъмирланди. Маҳалла идораси ҳодимлари, профилактика инспекторлари учун бино, коммунал тўловлар шохоб-часи, болалар ва спорт майдонча-лари барпо этилмоқда.

Президентимиз шу ерда маҳал-ла фаоллари, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ва болалар билан суҳбатлашди, уларнинг ўй-ташвиш-лари билан қизиқди.

— Ҳар бир маҳаллани Жиззахда-ги Манасга ўхшатиб обод қилиши-миз керак. Барча ишларимиз тўб замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам. Бунинг учун барча имкониятларни ишга сола-миз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор ту-манидаги Тирсақобод маҳалласида ҳам бўлиб, бу ерда амалга ошири-лаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди.

«Тирсақобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 9 кўп қаватли уй 864 ҳовли мавжуд. Бу ерда яшаётган 5 минг 200 дан ортиқ аҳоли орасида турли миллатлар вакиллари бор.

баҳолашни олиб борган баҳоловчи ташкилот мулкдори, муассиси (иштирокчиси), кредитори, суғурталовчиси, баҳоловчиси;

буюртмачининг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори, ишчиси; баҳолаш объектига нисбатан мулкий манфаатга эга бўлган ёки мазкур бандда кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахс;

буюртмачи ёки баҳолашни олиб борган баҳоловчи ташкилот кузатув кенгашининг аъзоси, директор ёки бошқарув аъзоси ваколатларини амалга оширадиган шахс;

устав жамғармаси (устав капитали)да баҳолашни олиб борган баҳоловчи ёки баҳоловчи ташкилот улуши бўлган юридик шахс;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа шахслар.

9. Белгилансинки, давлат мулкини, шунингдек, давлат томонидан сотиб олинадиган объектларни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни танлаш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Давлат рақобат кўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат рақобат кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари буюртмалари асосида баҳолаш объектини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматлари қийматини аниқлаш ва хизматга ҳақ тўлаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин.

10. Баҳоловчи ташкилотларга кўрсатиладиган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки тўловсиз хизматлар кўрсатишга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчилар жамиятига:

баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини услубий таъминлаш бўйича маслаҳатлар беришни амалга оширадиган жамоат эксперт кенгашини тузиш, шунингдек, уларнинг мурожаатлари асосида баҳолаш ҳақида ҳисоботларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тавсиялар бериш;

электрон тарзда ҳамкорлик қилиш, таҳлилий шарҳлардан умумий фойдаланиш ва ахборот билан алмашиниш йўли билан барча баҳоловчилар ва баҳолаш ташкилотлари (айниқса, минтақаларда), давлат идоралари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш;

кўрсатилаётган баҳолаш хизматларининг сифатини асосий мезон сифатида назарда тутган ҳолда баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш;

баҳоловчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларини ишончли маълумотлар билан ишлашини таъминлайдиган бозор ахборотини йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича ягона услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

доимий асосда семинарлар, ўқув курслари, давра

суҳбатлари, учрашувлар, анжуманлар ўтказиш, давлат идораларига киритиш учун баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кенг муҳокама қилиш тавсия этилсин.

12. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда 2016 — 2018 йилларда давлат мулкини баҳолаш бўйича тузилган контрактларни ҳамда амалга оширилган баҳолаш натижаларини танқидий ўргансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили иxtисослаштирилган олий таълим муассасаларига қабул квоталарини шакллантиришда баҳолаш хизматлари бозорининг малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисоба олсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Давлат рақобат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Баҳоловчи ташкилотлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси баҳоловчилари жамияти ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

амалдаги мулкни баҳолаш миллий стандартларини танқидий қайта кўриб чиқиш, уларни замонавий талабларга мувофиқлаштириш ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, етишмайдиган мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, эскирганларининг кучини йўқотиш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда баҳолаш фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид давлат талабларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқлаш, шунингдек, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 1 июнь	

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Ижтимоий аҳамиятли лойиҳалар қўллаб-қувватланди

Тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг 2018 йил 4 май-даги “Мамлакатни демократик ян-гилаш жараёнида фуқаролик жа-мияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини амалга оширишда ННТ, ОАВ ҳамда фуқа-ролик жамияти бошқа институ-тларининг фаол иштирокини таъ-минлаш бўйича бажариладиган вазифаларга қаратилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат ижтимоий буюртмасини тақдим этиш бўйи-ча танловга 26 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 28 та лойиҳаси қабул қилинди ҳамда бу бўйича ғолиблар аниқланди. Давлат ижтимоий буюртмалари аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларнинг соғлигини реабилитация қилиш, имконияти чекланган болалар реабилитацияси ва мослашуви тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилгани билан аҳамият-лидир.

Ййгилишда Жамоат фонди то-монидан биринчи ҳамда иккинчи танлов натижаларига кўра ғолиб, деб топилган ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа инс-титутларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари қўллаб-қувватланиши юзасидан қарорлар қабул қилинди. Хусусан, биринчи

танлов якуни бўйича 54 та лойиҳа 1,5 миллиард сўмга, иккинчи грант танловида эса 45 та лойиҳа 1,25 миллиард сўмга молиялашти-рилиши қайд этилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур грантларнинг ажратилиши Ҳаракат-лар стратегиясини “Фаол тadbир-корлик, инновацион ғоялар ва тех-нологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурида белгилан-ган вазифаларни рўёбга қириш-да ННТ, ОАВ ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлайди.

Тадбирда болаларнинг ҳуқуқла-ри, қонуний манфаатларини муҳо-фаза қилиш, интеллектуал салоҳи-ятини юксалтириш, инновацион фикрлашини ошириш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-маънавий, экологик, тиббий маданиятини юксалтириш, туризмнинг иннова-цион турларини жорий этишда ННТ фаоллигини кучайтириш мақсади-да учинчи ва тўртинчи грант та-нловлари эълон қилинди. Жойларда ушбу танловларнинг мавзу, йўна-лишлари, шартлари ҳамда талаб-ларини “учинчи сектор” вакиллари-га кенг тўшунтириш ишларини олиб бориш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Парламент комиссияси аъзола-ри кун тартибидagi бошқа масала-ларни ҳам кўриб чиқдилар ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

ШХТ оммавий ахборот воситалари форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТнинг ўтган йилги Остона самми-тида ташкилот фаолиятини янада қучайтириш, жумла-дан, миллатларо, мадани-етлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, халқ дип-ломатиясининг самарали механизмилари билан ташки-лот фаолиятини мазмунан бойитишга қаратилган амалий ташаббусларни илгари сурди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг форум иштирокчиларига йўллаган кутловини ХКП Сиёсий бюроси аъзоси, ХКП Марказий Қўмитаси аъзоси, ХКП МҚ Тарғибот бўлими мудир Хуан Куньмин ўқиб эшиттирди.

Анжуманда бугунги гло-баллашув шароитида масс-медиянинг роли ҳамда аҳамияти тобора юқсалиб бораётгани қайд этилиб, бу ташкилотга аъзо давлатлар оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни мус-таҳкамлашни тақозо қилаёт-гани кўрсатиб ўтилди. Бу, ав-валомбор, “Шанхай руҳи”ни кенг тарғиб этиш, ташкилот-нинг халқро муносабатлар тизимидаги аҳамиятини, минтақада хавфсизлик, бар-қарорлиқни таъминлаш бўйи-ча амалга оширилаётган ишларга журналисларнинг эътиборини қучайтириш, ШХТга аъзо давлатлардаги ижтимоий-сиёсий жараён-ларни, маданият, тарих ва ҳаётни ҳолис ёритиш, ўзаро ахборот алмашиш, турли ахборот хуружлариға қарши биргаликда курашиш зарур-лигини тақозо қилмоқда.

— Бугун ШХТга аъзо давлатларнинг умумий саъй-ҳаракатлари билан Буюк Ипак йўлининг тари-хий аҳамияти қайта тиклан-моқда, — дейди Бутунхитой журналистлари уюшмаси раиси ўринбосари Ванг Донгмей. — Минтақада савдо-сотик ривожланипти, ўзаро инвестициялар оқими ортиб, янги йўлар, транс-порт-логистика тизимлари барпо этиляпти. Халқлар-нинг ўзаро мулоқоти кен-гаймоқда. Шубҳасиз, ШХТ-га аъзо давлатлар оммавий ахборот воситалари ўртаси-да ҳамкорлик йўлга қўйи-лиши ҳам бу жараёни нафақат тарғиб қилади, балки халқлараро маданий алмашинувга ҳам кенг йўл очади. Колаверса, ахборот технологиялари ҳаётимизга чуқур кириб борар экан, медиа соҳасида ҳам тажри-ба алмашиш, кадрлар тай-ёрлаш масаласида катта эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Ўйлайманки, ШХТ доира-сида медиага оид янги ташаббуслар бу борада барчамизга қўл келади.

Тадбирда Хитой Халқ Республикаси Давлат кен-гаши матбуот канцелярия-си бошлиғи Цзян Цзяньго, ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов, аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари нутқ сўзлади. Шунингдек, бўлажак Чиндао саммити-га тайёргарлик жараёни ҳақида ахборот берилди.

Медиафорумда ШХТга аъзо давлатларнинг ахбо-рот соҳасидаги ваколатли органлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум-лар имзоланди.

Элис УЭЛЛС:

«Ўзбекистон раҳбари мамлакатни Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунё жамоатчилигига очиб берганини юқори баҳолаймиз»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ташриф давомида кўплаб йўналиш-ларда ўсишга эришилди. Биринчиси, Ўзбекистон билан биргаликда ислохот-лар дастурини илгари суриш бўйича саъй-ҳаракатлар: Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича кўп сонли гуруҳлар вакиллариға қайтиб келиб, аккредита-ция билан ўз ваколатхоналарини очишни таклиф қилди, “Америка овози”, “Uzbek Language Service” шулар жумласидандир. Президент Шавкат Мирзиёев дин эркинлигига кўмак бериш бўйича мулоқот ўтказишга қизиқиш билдирди”, деди у.

“Биз Тошкент шаҳрида 2018 йилда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё савдо форумини қўллаб-қувватламоқчимиз. Бизда Ўзбекистон энергетика саноати-ни ривожлантириш соҳасида ҳамкор-лик қилиш, шунингдек, Савдо вазир-лигидан Ўзбекистонга Америка компа-нияларини жалб этиш бўйича ишбилар-монлик уюшмалари билан ишлашда қўл келадиган дастурларни олиш имкония-ти мавжуд”, деди сиёсатчи.

Элис Уэллс Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича саъй-ҳаракатлариға юқори баҳо бериб, бу интеллектуал мулк ҳуқуқини кенгайти-ришиға хизмат қилиши, бундан мазкур мамлакатга инвестиция киритишни иста-ётган америкалик ишбилармонлар ҳам манфаатдор эканлигини қайд этди.

Шунингдек, у Президент Трамп ва Давлат қотиби Майк Помпео Ўзбекис-тон раҳбарининг яхши қўшинчилиқ сиё-сатини, мамлакатни Марказий Осиё минтақаси ҳамда дунё жамоатчилигига очиб берганини алоҳида олқишлагани ҳақида айтиб ўтди. Бу борада Афғонис-тонда тинчлик ўрнатиш масалалариға бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган ва ўзи

бевосита иштирокчиси бўлган нуфузли халқро конференция муҳим роль ўйна-ганини таъкидлади.

Сиёсатчи, ўз навбатида, икки давлат фуқаролари, жумладан, талабалар, тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, “халқ дипломатияси”ни ривожлантириш ўзаро ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этишиға тўхталиб ўтди:

— Менга иккита битимни имзолаш жуда ёқимли бўлди: улардан бири та-лабалар алмашинуви ва илмий тадқи-қот йўналишида ҳамкорлик қилишға кўмаклашса, иккинчиси, Ўзбекистонда талабалар, журналистлар, мутахассис-ларға инглиз тилини ўқитиш, ўқитувчи-лар тайёрлаш, фуқаролар ўртасидаги мулоқотни енгиллаштирувчи бошқа им-кониятларни қамраб олган дастурлар-ни молиялаштиришдан иборатдир.

“Хулоса ўрнида айтишни истардим-ки, Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Президент делегацияси кетганидан икки ҳафта ўтар-ўтмас давлатларимиз раҳбарлари муҳокама этган истиқбол-ли мақсадларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” устида иш олиб бормоқдамиз. Биз стратегик шериклик учун янги парадигмани тез сурьатлар-да яратишға умид қиламиз”, деди у.

Элис Уэллс, шунингдек, журналист-лар берган саволлардан келиб чиқиб, икки давлат ўртасидаги ҳарбий-техни-кавий ҳамкорлик ҳақида ҳам фикр билдирди:

“Ўзбекистон билан ҳарбий ҳамкор-лик доирасида унга охириги беш-олти йил ичида чегаралар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва наркотикларнинг но-қонуний айланиши ҳамда терроризмға қарши курашиш салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор мудофаа



махсулотлари етказиб бердик”. Унинг сўзлариға кўра, миная қарши ҳимоя-ланган автотранспорт воситалари, патруль катерлари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ана шулар жумласидандир. У “С5” форматида терроризм, экстремизм ҳамда радикализмға қарши курашиш масаласида жуда фойдали мулоқот йўлга қўйилганини эътироф этди ва шундай деди: “Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур мавзуни муҳокама қилиш учун Марказий Осиё мамлакатлари раҳбар-ларини биргаликда йиғиши, жумладан, ўтган йил ноябрь ойида хавфсизлик ҳамда барқарор ривожланиш бўйича бўлиб ўтган конференцияни ҳам ҳисоб-ға олган ҳолда, катта аҳамият касб этди”.

Ўз навбатида, дипломат Ўзбекистон-да журналистлар, диний махбۇсларнинг овоз қилиниши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга чек қўйиш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар халқро жамоатчилик, хусусан, АҚШда ижобий кутиб олингани, юқори баҳоланганини билдирди.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимизда Халқро болаларни ҳимоя қилиш қуниға бағишланган байрам тадбирлари юқори савияда ҳамда кўтаринки руҳда нишонланди.

Фарзандларимиз иқболи — бизнинг бахтимиз

Хусусан, **Сурхондарё** вилоятидаги барча дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, сайилгоҳлар жажжи бола-жонлар ҳамда уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлди. Жойларда уюштирил-ган театрлаштирилган томо-шалар, концерт дастурлари, болалар иходиёти кўргаз-малари, спорт мусобақала-ри, оммавий сайр-томоша-лар байрамнинг жажжи иш-тирокчилариға бир олам қувонч улашди.

Термиз шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Мехрибонлик уйи ҳамда ижтимоий кўмак-ма муҳтож оилалар фарзанд-ларининг 50 нафарининг суннат тўйлари ўтказилди. Тадбир давомида ҳомийлар ташаббуси билан болажон-ларға 200 минг сўмлик омон-та дафтарларидан, велоси-пед ва китоб жамламалари топширилди.

Халқро болаларни ҳимоя қилиш қуни муносабати билан **Фарғона** шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номида-ги маданият ва истироҳат боғида имконияти чекланган болалар ўртасида “Мафтун-кор ранглар жиолиси” қури-танови бўлиб ўтди.

Мойбўёқлардан яратил-ган иходий ишларнинг жам-ланиши ёш мусаввирлар-нинг истеъдоди ва маҳора-тидан дарак берди. Истиро-ҳат боғи ҳудуди ёшлар то-монидан ташкил этилган кўргазмага айланиб кетди. Шу қуни танлов иштирок-

чилари учун байрам дастур-хони ёзилди. Танловнинг якуний натижалари эълон қилинди. Ғолибларға қим-матбаҳо совғалар топши-рилди.

Пойтахтимиз **Тошкент**да ҳам ушбу сана кенг нишон-ланди. Маданият ва истиро-ҳат боғларида, сайилгоҳлар-да уюштирилган театрлаш-тирилган томошалар, кўнгилочар турли танловлар болажонлар ёдида қолади-ган бўлди.

Жумладан, имконияти чекланган болалар учун их-тисослаштирилган Респуб-лика ўрта махсус, касб-хунар коллежи спорт маж-мусида Ўзбекистон Респуб-ликаси Жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Соғлиқни сақ-лаш вазирликлари ҳамкор-лигида жисмоний имкония-ти чекланган болалар ўрта-сида спорт мусобақалари ўтказилди.

Бу йилги спорт анжума-нида Тошкент шаҳри, Анди-жон, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги Мурувват уйларида тарбия-ланаётган 100 нафарға яқин ўғил-қизлар минифутбол ҳамда эстафета бахсларида ўзаро куч синашдилар.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлариға диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди. Таниқли хонан-далар ижросидаги қуй-қўшиқлар қалбларға қувонч олиб кирди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Миллий превентив механизм:

ХОРИЖ АМАЛИЁТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатидан қўзланган асосий мақсад БМТнинг Миллий превентив механизмни ривож-лантиришға оид халқро хужжат-ларининг хорижий мамлакатлар амалиётидаги ижросининг ташки-лий-ҳуқуқий жиҳатларини умум-лаштириш ва Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан қийноқ-ларға солиш ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайрининсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи тур-ларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутув-чи миллий превентив механизм вазифасини амалга ошириш тўғрисидаги низомни кенг муҳо-кама этишдан иборат.

Тадбир давомида иштирокчи-лар томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ташаббу-си билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Рес-публикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янги сифат босқичиға олиб чиқиш имконини бергани алоҳида таъкидланди. Мазкур дастурий ҳужжат мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисо-дий ҳаётининг барча жабҳасини комплекс қамраб олди. Ҳаракат-лар стратегиясида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликла-рини таъминлаш, уларнинг давлат ҳимояси тизимини мустаҳкамлаш-ға алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 май-да ушбу йўналишда қабул қилин-ган “Адвокатура институти сама-радорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 14 майда имзоланган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори чуқур инсти-туционал аҳамиятға эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хорижий эксперт-лар томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган, қамоққа олинган, шунингдек, маъмурий қамоқ жа-зосини ўтаётган шахслар ҳуқуқ-лари ҳамда эркинликларини таш-килий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича комплекс норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш-ға замин яратган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатларини қучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони аҳамияти алоҳида қайд этилди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбе-кистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар страте-гиясини Фаол тадбиркорлик, ин-новацион гоьлар ва технология-ларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишға оид Давлат дастури ҳамда Инсон ҳуқуқлари

умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури доирасида Омбудсман томонидан миллий превентив механизмни ташкил этиш ва маҳкумлар ҳуқуқларининг таъминланиши устидан парламент назоратини қучайтиришға оид қонун ҳамда низом лойиҳаларини ўз ичига олувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар ишлаб чиқилди.

Тадбир қатнашчилари мазкур норматив ҳужжатлар лойиҳалари-ға юқори баҳо берган ҳолда, улар БМТ ва ЕХТнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлариға, демократик давлат-ларнинг илгор тажрибасиға тўлиқ мос келишини таъкидладилар. Экспертлар ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши миллий қонунчи-лик ҳамда халқро нормаларнинг янада уйғунлашувиға, ислохотлар ошқоралигини таъминлашға, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли муҳофа-за этиш тизимининг мустаҳкамла-нишиға хизмат қилишиға ишонч билдирдилар.

Сўз — халқро анжуман иштирокчилариға

Армен ДАНИЕЛЯН, БМТнинг Қийноққа қарши қуйи кўмитаси эксперти:



— Ўзбекистон БМТнинг Қийноққа қарши конвенция-сининг Факультатив протоколини рати-фикация қилишдан аввал миллий пре-вентив механизм (МПМ)ни татбиқ этиш бўйича муло-қотға киришганин жуда эътиборлидир.

Чунки, одатда, аксар мамлакатлар бу ҳақда хуж-жатни қабул қилгандан сўнггина ўйлашади. Бу Ўзбекистон тўғри йўлдан кетаётганлигини кўрсатади.

Мазкур халқро анжуман миллий превентив механизмнинг бўлажак модели бўйича гапла-шиб олиш нуктаи назаридан долзарб аҳамият-ға эга. Биз Ўзбекистон зўравонлик, одамларға ғайрининсоний муносабатда бўлишға қарши курашишға тайёр эканлигини кўраямиз. Давра суҳбатида Ўзбекистон Омбудсмани билан ушбу йўналишдаги ишларни давом эттиришға келишиб олдик.

Айгуль ТАБЕРГЕНОВА, “Халқро қамоқхоналар ислохоти” халқ-аро ноҳукумат ташкилотининг Марказий Осиёдаги катта менежери:

— Биз халқро мустақил ташкилотимиз ҳамда Европа иттифоқида консулътатив макомға эга-миз. Марказий Осиёда жиноят одил судлови тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатларға



Ўзбекистонға мазкур институти яратиш ва ривожлантириш учун кўмак беришға тайёр.

Татьяна ЧЕРНОБИЛЬ, “Amnesty International” халқро жамоатчилик ҳаракатининг Марказий Осиё бўйича маслаҳатчиси:

— Биз, шубҳасиз, Ўзбекистон Омбудс-манининг миллий превентив меха-низми яратиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлай-миз. Ишончимиз комилки, у халқро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотла-рининг шу бўйича белгилаб берган урта мезонига тўғри келади.

Таъкидлаш керакки, ташкилотимиз бутун дунёда фаолият юритади. Биз жаҳон мамла-катларидан қатъий равишда ҳеч қандай

кўмак бериш юзаси-дан узлуқсиз иш олиб боряпмиз. Буг-ун Ўзбекистонда бўлиб турганимиз-дан хурсандмиз. Умид қиламизки, юртингизда яқин вақт ичида миллий превентив модель ҳаётға жорий этилади.

Бизнинг ташкилот

— Грузия 2009 йилда миллий пре-вентив механизмни жорий қилди. Давра суҳбатида ушбу моделнинг ривожла-ниш босқичлари, йўл қўйилган камчилик-лар ҳамда уларнинг олдини олиш ҳақида гапириб бердим.

Ўйлашимча, бу бора-да бизнинг тажриба Ўзбекистон учун фойдали бўлади. Ўзбекистон таклиф этган МПМ ҳужжатининг ҳозирги ҳола-ти жуда яхши. Унда халқро амалиётнинг кўплаб қондалари ҳисобға олинган. Умид қила-манки, яқин келажақда Ўзбекистон БМТнинг Қийноққа қарши конвенциясининг Факультатив протоколиға қўйилса ва МПМни муваффақиятли амалға оширад.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонлик врачлар Германияда жарроҳлик операцияларида иштирок этди

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисиға 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида диагностика ва даволашнинг замонавий услубларини амалиётта изчил татбиқ қилиш, шифокор ҳамда мутахассислар малакасини оширишда дунёнинг нуфузли тиббиёт марказлари ва клиникалар билан ҳамкорликни қучайтиришға алоҳида эътибор қаратилган.

ТИББИЁТ

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбе-кистоннинг Германиядаги эл-чихонаси томонидан академик В. Вохидов номидаги Респуб-лика ихтисослаштирилган хирургия маркази ҳамда Қора-қалпогистон марказий шифо-хонаси делегациясининг жо-рий йил 23 — 26 май кунлари Германияға ташрифи ташкил этилди.

Профессор М. Акбаров бошчилигидаги делегация аъзолари Берлин ва Ростов шаҳарларидаги йирик клини-

каларда бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Хусусан, Ростов шаҳрида-ги Кўкрак, қон томир ҳамда трансплантация жарроҳлиги клиникасида бўлиб ўтган му-лоқотларда клиника ва ака-демик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослашти-рилган хирургия маркази ўртасида ўзаро тажриба ал-машиш, мутахассислар мала-касини ошириш, биргаликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, семинар ҳамда



маҳорат дарслари ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Шунингдек, делегация аъзолари Берлиндаги машхур Шарите жарроҳлик клиника-сиға ташриф буюриб, унинг фаолияти, хусусан, замонавий тиббий асбоб-ускуналар би-лан жиҳозланган трансплан-тация поликлиникаси ва реа-нимация бўлиминини кўздан ке-чирдилар. Клиника бош вра-чи, профессор М. Шмелце бошчилигида жигар соҳасида амалға оширилган иккита операцияда иштирок этдилар.

«Дунё» АА. Берлин

«Сайёҳларнинг Ўзбекистонга қизиқиши кучаймоқда»



Юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни кузатиб бораётган чет эл оммавий ахборот воситалари ана шундай фикрни билдиришяпти.

ДУНЁ НИГОҲИ

Хусусан, Япониянинг нуфузли «The Japan Times» газетасида чоп этилган «Буюк Ипак йўли жаҳоирига сайёҳлар оқими ортмоқда» сарлавҳали мақолада қайд этилишича, мамлакатимизда барча соҳа сингари туризм жабҳасида ҳам кенг қамровли ўзгаришлар кузатилаётир. Бу

the japan times

борада, айниқса, виза тартибини соддалаштириш бўйича амалга оширилган ишларнинг

муҳимлиги таъкидланади:

«Жорий йил бошида Ўзбекистон томони Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Туркия ҳамда Исроилдан келаётган туристларга мамлакатда 30 кунгача визасиз бўлишга рухсат берилишини эълон қилди. Бундан ташқари, бир қанча давлат фуқароларига виза бериш тартиби соддалаштирилди. 2018 йил 1 июлдан эса электрон визалар жорий этилиши кутилмоқда», дейилади мақолада.

2017 йилнинг ўзida Ўзбекистонга дунёнинг барча нуқтасидан

2,5 миллиондан ортиқ сайёҳлар келиб, яқин истиқболда ушбу рақамлар янада ортиши шубҳасиз. Мамлакат, япониялик шарҳловчиларнинг фикрича, «Марказий Осиёнинг асосий сайёҳлик нуқтасига айланиб, бу ерда меҳмонларга доим иззат ва ҳурмат кўрсатилади».

Сингапурнинг «Channel News Asia» телеканалида намоиш қилинган махсус дастурда билдирилишича, «Самарқанд, Бухоро, Хивада сайёҳлар шунчалик кўпки, игнани ташласанг тик-



ка туради». Ушбу ижобий тенденциянинг бош омили сифатида

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан туризм жабҳасини ривожлантириш йўлида ҳаётга татбиқ этилган қатъий чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Дастурда, жумладан, юртимизда қисқа давр мобайнида янги меҳмонхона мажмуаларини қуриш, транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда республиканинг тарихий шаҳарларига янги йўналишларни ишга тушириш юзасидан амалга оширилган ишларнинг самара бергани таъкидланади.

Сингапурлик журналистларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбариятининг валюта соҳасини либераллаштириш ва чет элликларнинг мамлакат ҳудудидан рўйхатдан ўтиши тартибини соддалаштириш ҳақидаги қарорлари меҳмонлар учун қўшимча қулайликлар яратиб, уларни республикага жалб этишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим янгилик сифатида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида сайёҳлар учун «Эзгулик патрули» махсус гуруҳлари ташкил этилгани айтиб ўтилади.

«Ушбу хизмат ходимлари чет тилларни билади ҳамда этика асослари бўйича дарслар олган, ҳушмуомала, самимий». «Channel News Asia» Ўзбекистондаги «Эзгулик патрули» ходимларини ана шундай тавсифлади ва улар сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш, эҳтимолий таҳдидлар ҳақида огоҳлантириш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатишига эътибор қаратди.

Ҳиндистоннинг марказий газетаси «The Times of India» Ўзбекистонга сайёҳлар сонининг салмоқли даражада ортиганини эътироф этди. Икки давлат пойтахтлари ўртасидаги ҳаво рейслари доимо ҳиндистонлик йўлов-

чиларга тўла бўлиб, ўзбек заминининг бой тарихи ҳамда бекиёс маданияти уларни ҳайратга солаётир.



THE TIMES OF INDIA

Мақолада республикаимизда авиачипталар нарҳини оптималлаштириш, янги рейслар очиш, транзит йўловчиларни ташишни ошириш ва авиакатновлар географиясини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларга юқори баҳо берилган. Мазкур йўналишда қисқа муддатда салмоқли ютуқларга эришиб, бу туризм саноатини тараққий топтириш учун янги имкониётлар яратмоқда.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Спорт



Боксчиларимиз 10 та медални қўлга киритишди

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича нуфузли «Губернатор кубоги» мусобақаси якунига етди. Қувонарлиси, унда қатнашган ўн нафар спортчимиз ўнта медални қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Турнирда Россия, Ўзбекистон, Беларусь, Куба, Украина, Болгария, Арманистон, Молдова, Руминия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган 200 дан ортиқ чарм қўлпог усталари голиблик учун куч синашди.

Терма жамоамиз аъзолари Исроил Мадримов, Миразиз Мирзахалилов, Бектемиров Мелиқўзиев, Баҳодир Жалолов барча рақибини маглубиятга



учратиб, олтин медал билан тақдирланди. Финалга қадар етиб келган Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Шунқор Абдураҳимов, Санжар Турсунов, Иқболжон Холдоров ва Жасурбек Латипов эса бронза медални қўлга киритди.

Шу йилнинг 7 — 14 июль кунлари Тошкент шаҳрида илк бор оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Тошкент — нуфузли мусобақа мезбони

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ахборот хизматининг хабар беришича, ҳозиргача мусобақада 50 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари иштирок этиш истагини билдирди.

Шунингдек, чемпионат бошлангич арасида пойтахтимизда Халқаро оғир атлетика федерациясининг Ижроия қўмитаси йиғилиши ва навбатдаги Конгресси бўлиб ўтиши режалаштирилган. Унда ташкилот президенти Томаш Аян ҳам қатнашиши кутилмоқда.

«Реал Мадрид» мураббийлари футболимиз ривожига қандай ҳисса қўшади?

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва «Реал Мадрид» клуби академияси ўртасидаги келишувга асосан, юртимизда «Real Madrid Foundation Clinic» дастурини ишга тушириш бўйича сайёҳ-ҳаракатлар давом этапти.

Ушбу лойиҳага кўра, мамлакатимизга «Қироллик клуби»нинг уч нафар мураббийи — Карлос Альберт, Мануэль Агуадо Хил ва Эктор Висенте ташриф

бўюди. Кеча «Бунёдкор» клуби академиясида хорижлик мутахассислар иштирокида юртимиздаги болалар мураббийлари учун семинар ташкил

қилинди. Шунингдек, «Бунёдкор» клубининг машғулотлар стадионида амалий машғулотлар ўтказилди.

Эртага, яъни 3 июнь кунини «Бунёдкор» стадионида «Real Madrid Foundation Clinic» дастурининг очилиши бўлиб ўтади.

О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

УП «Энергомонтажный поезд №1» АО УТЙ

рассматривает возможность заключения на конкурсной основе контрактов на поставку материалов для строительства контактной сети на льготном объекте «Электрификация железнодорожной линии Карши — Китаб» (ПП РУ № 3121 от 10.07.2017 г.)

Представляя пакет документов для квалифицированного отбора и конкурсные предложения, участник подтверждает, что ознакомлен с инструкцией и требованиями конкурсного отбора согласно Закону Республики Узбекистан от 9 апреля 2018 года «О государственных закупках».

Конверты с документами для квалифицированного отбора и конкурсные предложения в запечатанном виде должны быть доставлены посредством почтовой связи либо нарочно.

Претендент должен представить в адрес рабочего органа конкурсной комиссии пакет документов для предквалификационного отбора и конкурсные предложения до 17.00 11 июня 2018 года по адресу: Республика Узбекистан, 100105, г. Ташкент, Военный городок, 60.

Телефоны: (+99871) 279-71-63, 279-96-80, (+99893) 501-77-73.

Конкурсные (коммерческие) предложения включают таблицу с указанием наименования и цены товара, условия оплаты, ГОСТы (документы, сертификаты, подтверждающие соответствие товара стандартам качества страны-производителя товара), сроки поставки, наименование завода-производителя.

Коммерческие предложения должны быть заверены подписью первого лица и печатью предпринятия. Срок действия конкурсных предложений должен быть не менее трех месяцев со дня окончания приема конкурсных предложений.

Наименование материалов:

узел крепления типа К 391.00.00;
узел крепления типа К 392.00.00;
оттяжка компенсированной анкерówki двухветвевая;
оттяжка полукомпенсированной анкерówki двухветвевая;
оттяжка разанкерówki одноветвевая;
оттяжка жесткой анкерówki двухветвевая;
оттяжка средней анкерówki одноветвевая;
блоки (ригели) жестких поперечин П180-22,5;
блоки (ригели) жестких поперечин П180-30,3;
блоки (ригели) жестких поперечин П220-30,3;
блоки (ригели) жестких поперечин П320-30,3;
блоки (ригели) жестких поперечин ОП320-30,3;
блоки (ригели) жестких поперечин ОП220-30,3;
провод неизолированный АС 50/8;
провод неизолированный А-185;
провод контактный из меди и ее сплавов МФ-100;
провод неизолированный медный М-95;
консоль изолированная стальная типа КИС;
фиксаторы типа ФИП, ФИА, ФИО.

За подробной информацией, разъяснениями положений конкурсной документации и формой подачи запроса можно обратиться к начальнику технического отдела Галимьянову И.Р. по телефонам: (+99893) 501-77-73, (+99871) 279-71-63 или электронной почте: er-1@railway.uz

Информация о проведении конкурса также размещена на специальном информационном портале railway.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқоллар (0-371) 232-11-15.



Тахриратга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси



Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсуслот сертификатланган.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

